

...Мамлакатимиз тараққиётининг қонунчилик базасини яратишда, янги қонунларни ижод қилишда ва уларга ўзгартишлар киритишда авваламбор меҳнат аҳли, у фермер бўладими, тадбиркор, кичик бизнес соҳиби ёки ташаббускор ишбилармонми — ким бўлмасин, уларнинг манфаати ва яна бир бор манфаатини фаолиятимизда асос қилиб олиш ва рўёбга чиқариш талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ КАРИМОВнинг Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқидан

Mustaqillik huquq demakdir

# HUQUQ

# 09  
(428)

YURIDIK GAZETA

Mart

D.	6	13	20	27	
S.	7	14	21	28	
Ch.	1	8	15	22	29
P.	2	9	16	23	30
J.	3	10	17	24	31
Sh.	4	11	18	25	
Y.	5	12	19	26	

2006

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг Раисини  
лавозимидан озод этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Мурот **Шарифхўжаев** саломатлигига кўра ўз аризасига биноан эгаллаб турган лавозимидан озод этилсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қўлга кирлади.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
Раиси ўринбосари **Ф.МУХИТДИНОВА**

Тошкент шаҳри,  
2006 йил 24 феврал

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг Раисини  
сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 13-моддасига мувофиқ, Илгизар Матқубович **Собиров** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қўлга кирлади.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
Раиси ўринбосари **Ф.МУХИТДИНОВА**

Тошкент шаҳри,  
2006 йил 24 феврал



## Кўклам

Кўклам, кўкламжоним, қадамларинг тўй,  
Бунчалар хушрўйсан, бунчалар хушбўй.  
Кел, бир бағрингга ол, бир бор ўшиб кўй,  
Мен бу қаҳратонга сиқмайман, кўклам.

Мени ўйлантирган битта гап, хуллас,  
Дейдилар, баҳордай ўткинчи бўлмас.  
Менимча, донолар унча одилмас,  
Бундай насиҳатни укмайман, кўклам.

Қалдирғочинг азиз, бинафшанг азиз,  
Боғларга тўқилган яшил ранг азиз.  
Мен шунча нарсасиз яшайми ёлғиз??  
Бунинг урдасидан чиқмайман, кўклам!

Нафасинг сочмини ўйнаган экин,  
Майли, сочим ўйнаб жонимга теккин.  
Аммо, ёнигдан ҳеч кетмайман дегин,  
Қайтиб юрагингни сиқмайман кўклам.

Носир ЖУРАЕВ

## Чоршанбадан Чоршанбагача

23 феврал

Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасининг Қашқадарё вилояти бўлими Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб маънавий-маърифий тадбир ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг корпоратив бошқарув марказида «Давлат инвестицион активларини ишончли бошқариш борасидаги фаолият самарадорлигини ошириш муаммолари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

24 феврал

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишнини бошлади. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов катнашди ва нутқ сўзлади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида «Демократия: уни Шарқда ва Фарбда қандай тушунадилар?» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

25 феврал

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишнини якунлади.

↓ Bu haqda Vazirlar Mahkamasi yig'ilishida gapirilgan edi

## Омонатга хиёнатни кечириб бўладими?

10 февраль куни бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида банклар тизимида йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларга ҳам тўхталиб, мазкур муассасаларда қонунчилик ижроси устидан таъсирчан назорат ўрнатиш зарурлиги ҳақида гапирилган эди. Банк муассасалари томонидан мижозлар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш борасида чоратадбирлар ишлаб чиқиш, банклар фаолиятини ислохотлар жараёнига мослаштириш ҳукумат мажлиси қароридан ҳам белгиланди.

Маълумки, банк, газна каби жойлар кишидан кучли ирода талаб этади. Ана шу иродани ўзида тополмаганлар эса билиб-билмай жиноятчига айланиб қоладилар. «Халқ банки»нинг Сирғали филиалига қарашли шахобчада газначи бўлиб ишлаб келаётган У.А. аҳолидан коммунал тўловлар учун йиғилган пуллардан оз эмас, кўп эмас нақд 2.000.000 сўмни олиб ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганида фурсат ўтган, гишт қолипдан кўчган эди. У.А. бу иши ҳақида шахобча бухгалтер-назоратчиси Г.И.га айтиб, ундан нажот сўрайди. Шусиз ҳам газначининг қилмишларини сезиб юрган Г.И. унга антиқа «ғоя» беради.

(Давоми 2-бетда).

↓ Xabar

## Илмий-амалий анжуман

Республика Бош прокуратураси Қонунчиликни мустақамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази, Олий суд, ИИБ, ТДЮИ ҳамкорлиқда Президентимизнинг ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги фармонларидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида илмий-амалий семинарлар ташкил қилмоқда. Фаргона вилоят прокуратурасида бўлиб ўтган навбатдаги анжуманда туман ва шаҳарлар прокурорлари, ИИБ ва МХХБ ходимлари, жиноят ишлари бўйича вилоят, шаҳар ва туман судларининг судьялари, ҳуқуқий маслаҳатхоналарнинг мудирлари, ҳуқуқшунослар иштирок этишди.

Қонунчиликни мустақамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказининг кафедра мудирини Б.Пўлатов, ТДЮИ ўқитувчилари М.Усмоналиев, О.Мадалиев, жиноят ишлари бўйича Фаргона вилоят суди раиси Б.Исломовлар суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнидаги муҳим қадамлардан бўлган фармонларнинг ижросини таъминлаш юзасидан қонунчиликни киритилган ўзгартиришлар, ўлим жазосини бекор қилишнинг ҳуқуқий асослари, эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олишнинг суд томонидан қўлланиши тўғрисида маъруза қилишди. Анжуман иштирокчилари ўзаро фикр алмашишди, фармонларни қўллаш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишди.

Исроил ИБРОҲИМОВ,  
«Ндиқ» мухбири





«XXI аср донишмандлик асри бўлади, унда ахборот ва билим жамиятнинг янада ривожланишига имкон бергани ҳолда янги қадриятлар ва юқори даромадларни яратеди»

# Интеллектуал мулк

Ихтиролар, фан-техника янгилликлари нафақат биз фойдаланадиган техникани, балки чор атрофни, шаҳарларимизни, турмуш тарзимизни ҳам ўзгартиради. Ихтиролар, технология ва тижорат сирлари, компютер дастурлари, дизайнерлик ишланмалари, товар белгилари — интеллектуал мулкнинг ушбу объектлари моддий активлардан кам баҳоланмайди, балки айрим ҳолларда улардан анчагина юқори туради.



## муҳофазаси

Умумжаҳон саноат ишлаб чиқаришининг йиллик ўсиш суръати 2,5-3 фоиздан ошамаган ҳолда, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар билан савдо қилиш миқдори йилига 12-14 фоизга ўсмакда. Ушбу ҳолат янги гоълар, кашфиёт ва ихтиролар нафақат уларнинг яратувчиларига, балки бутун жамиятга наф келтиришини яна бир қарра исботлайди. Шунга қара давлат томонидан бериладиган ягона монопол ҳуқуқ — интеллектуал мулк объекти эгасининг ундан фойдаланиш ва тасаруф этишга бўлган муқаддас ҳисобланади. Моҳияти жиҳатидан патент — янгиллик сирининг тўлиқ

муқаддас ҳуқуқнинг берилиши ва унинг ҳуқуқларини бузганлик учун жазо чоралари муқаддаслашган эди. Англиянинг энг кўҳна патенти Генрих VI томонидан 1449 йили асли ютиманилик Жон исми шахсга Итон коллежининг ромларига рангли ойналарни тайёрлаганига учун берилган.

Иқтисодий, илмий-техника ва ижтимоий соҳадаги давлат сиёсатининг самардорлиги кўп жиҳатдан интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг амалдаги тизимига боғлиқдир. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 3 августдаги қарорига мувофиқ собиқ Фан ва техника давлат комитети таркибда ташкил этилган Ўзбекистон давлат патент идораси ушбу тизимнинг ядроси ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳудудида саноат мулки ва интеллектуал мулкнинг бошқа турларини ҳуқуқий муҳофаза қилишни таъминлаш, интеллектуал мулкнинг турли объектларига оид янгилликларни давлат илмий-техника экспертизасидан ўтказиш, интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлиқни амалга ошириш, давлат рўйхатидан ўтказилган интеллектуал мулк объектлари, уларга оид патент ва норматив ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни нашр этиши, ёш авлоднинг илмий-техника ижодиётини ривожлантиришга ёрдам бериш давлат патент идораси фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 15 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган ва ўша йилнинг 1 октябрдан кучга кирган

«Ўзбекистон Республикаси саноат мулки тўғрисидаги муваққат низом» мустақил Ўзбекистонда патент тизимига оид биринчи норматив ҳужжат бўлди.

«Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида» (1993), «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида» (1994), «Селекция ютуқлари тўғрисида» (1996) қонунлар мамлакатимизда ушбу соҳадаги қонунчилик базасига асос солди. Юртимизнинг тараққиёт сари илдам одимлаб бориши, халқаро муносабатларда фаол иштирок этиши, замонавий технология ва чет эл инвестицияларининг Ўзбекистонга жалб қилиниши ҳозирги кун талабига мос келувчи янги ҳуқуқий базани яратишга туртки бўлди. Бунинг натижаси ўлароқ 2001 йилда янги муҳофаза объектларини ўз ичига олган «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келтирилган жой номлари тўғрисида» ҳамда «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида» қонунлар қабул қилинди.

Шундай қилиб Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ келадиган қонунчилик базаси асосан шаклланиб бўлди. Ўзбекистон Президентининг «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» (2002 йил 20 феврал) фармони билан Бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2002 йил 4 март) қарорига мувофиқ давлат патент идораси Вазирлар Маҳкамаси тасарруфига ўтказилди.

Шунингдек, саноат мулки объектларини, селекция ютуқларини, ЭХМлар учун дастур ва маълумот базаларини, интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилишга оид қонунларга ўзгартириш ва

қўшимчалар киритилди.

Давлат патент идораси ташкил қилинган вақтдан эътиборан интеллектуал мулк объектларига 71 мингдан ортиқ талабномаларни қабул қилди ва интеллектуал мулк объектлари давлат реестрида 2006 йилнинг 1 январигача 25 мингга яқин объектни рўйхатдан ўтказди. Улардан 8043 таси ихтироларга, 235 таси фойдали моделларга, 1404 таси товар белгиларига, 1431 таси саноат намуналарига, 1169 таси ЭХМ дастурлари ва маълумотлар базасига, 68 таси селекция ютуқларига тааллуқлидир.

Патент фондини шакллантириш давлат патент идорасининг бош вазифаларидан бири бўлиб, мазкур фонд мустақиллик йиллари давомида 16 млн. нусхадан 60 млн. нусхагача, яъни 3,8 баробар кўпайган.

Халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш доирасида Ўзбекистон Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ)нинг аъзоси ва Саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси, Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш бўйича Мадрид битими, УСМликларнинг янги навларини муҳофаза қилишга оид халқаро конвенция (UPOV) каби нуфузли халқаро шартнома ва битимларнинг иштирокчиси ҳисобланади.

Давлат патент идораси томонидан Патент ҳуқуқи тўғрисида шартнома, Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисида Локарно битимига қўшилишининг мақсадага мувофиқлиги ҳақида тақлиф тайёрланди ва Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 июнда Женевада дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги шартномага қўшилиши ҳақида» ва «Ўзбекистон Республикасининг 1968 йил 8 октябрда Локарнода имзоланган Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилиши ҳақида» қонунлар қабул қилинди.

Бугунги кунга келиб интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида 9 та ҳукуматларро ва 13 та идораларро шартнома ва битимлар тузилган.

Давлат патент идораси Ўзбекистоннинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига (БСТ) аъзо бўлиб киришига доир меморандумнинг Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо аспекти бўйича битим (TRIPS)дан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг давлат томонидан бажарилишига оид қисмини тайёрлашда бош ижрочи сифатида фаолият кўрсатди.

Жаҳоннинг давлат раҳбарлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримов миллий патент тизimini яратиш ва ривожлантиришдаги, илмий-технологик ва ихтирочилик фаолиятига ёрдам кўрсатишдаги буюк хизматлари ҳамда Ўзбекистоннинг саноат мулкни муҳофаза қилишнинг халқаро патент-ҳуқуқий тизимида фаол иштироки учун 1996 йилда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг олтин медали билан тақдирланган.

Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш халқаро тизимини бошқаришда ҳам Ўзбекистоннинг нуфузи ортиб, бормоқда. Мамлакатимиз вақили 1995 — 1997-йилларда БИМТ конференцияси раиси каби нуфузи жиҳатидан сайлаб қўйилгандан иккинчи раҳбарлик лавозимини эгаллаган. АКШ, Франция, Германия, Япония каби 27 та мамлакат қаторида 1997 — 2001 йиллари мамлакатимиз Бюджет комитети ҳамда саноат мулки ва ахборот технологиялари соҳасида ўзаро муносабатларни ривожлантириш мақсадида ҳамкорлик бўйича иккита доимий қўмитанинг аъзоси этиб сайланган.

БИМТга аъзо бўлган давлатлар ассамблеясининг 41-сессиясида Ўзбекистон Париж иттифоқи ихроия қўмитасининг аъзоси этиб сайланди ва БИМТнинг учта раҳбар органларидан бири бўлган мувофиқлаштириш қўмитаси таркибига кирди.

Кириб келган асрни ҳар ким турлича: ахборотлаштириш, био-муҳандислик, оммавий ахборот воситалари, реклама асри деб атади. Япония патент идораси раҳбарининг йиллик маърузасида кириб келган асрга: «XXI аср донишмандлик асри бўлади, унда ахборот ва билим жамиятининг янада ривожланишига имкон бергани ҳолда янги қадриятлар ва юқори даромадларни яратеди», — дея таъриф берилди.

Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш тизимининг асосий мақсади жамият манфаатлари учун технология ва умумжаҳон тараққиётини таъминлашдир. Таҳлилларга қара 1970 йилларда махсулот нархида интеллектуал ҳисса 3 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозир у 35 фоизни, 2010 йилга келиб эса 70 фоизни ташкил этади. Бу интеллектуал мулкнинг айнан сўнгги йилларда жаҳон тараққиётидаги аҳамияти ортиб бораётганидан далolat беради.

Маҳмуджон Тўхтаев,  
Ўзбекистон давлат патент идораси сектор мудири



очиб берилиши ва белгиланган миқдордаги бож тўлиниши эвазига давлат томонидан унинг муаллифига ихтирога бўлган ҳуқуқларини муҳофаза қилиш кафолати берилмайдиган шартномадир.

Жаҳонда биринчи бор ихтирога патент 1421 йилда Флоренция шаҳар бошқаруви томонидан кеманинг айланма кранини ихтиро қилганлиги учун Филиппо Брунеллескига берилган. Ушбу патент интеллектуал мулкка берилмайдиган замонавий муҳофазат ҳужжатининг барча аломатларига эга бўлиб, унда ихтиронинг фойдалилиги, ихтирочи






## Сармоя сабабчи

Таяландда эллик минг кишидан иборат намоёнчилар қирол саройи олдида норозилик митингини ўтказишди. Мухолиф партиялар тарафдорларидан ташкил топган намоёнчилар мамлакатда бўлиб қолган парламентнинг тарқатиб юбориш ва янги парламентни тузиш ҳақидаги қароридан норози. Таяланддаги учта асосий мухолиф партия вакиллари бўлажак парламент сайловида иштирок эттишдан бош тортиб, мамлакатда рўй берган сиёсий инқирозни бартараф этиш бўйича таклифларини билдиришди. Демократик партия раҳбари Абхисит Вежайиванинг таъкидлашича, инқироздан қутулишнинг энг мақбул йўли тўрт тарафлама музокара ўтказишидир. Ушбу музокарада бош вазирга конституцион ислохотлар режаси таклиф этилади ва шу аснода Таяланддаги сиёсий инқироз бартараф этилиши мумкин. Лекин Шинаватра мазкур дастурга имзо чекса, унда унинг ўрнини Таяланд қироли Пумипон Адулядет тайинлайдиган янги бош вазир эгаллайди. Ҳозир Таяланддаги сиёсий инқироз жорий йилнинг январ ойида юзга келган. Гап шундаки, мамлакатда энг катта телекоммуникацион компания «Shin Corp» акцияларининг бош вазир оиласига тегишли қисми Сингапурнинг «Temasek» давлат инвестицион гуруҳига сотиб юборилган. Чет эл инвестицияларининг бостириб кетишига қарши бўлганларда бу ҳолат норозилик уйғотди. Қўлай вазиятдан фойдаланиш пайида бўлган мухолифат учун эса бу аниқ муддао бўлди.

Исроил армиясининг генерали Авив Кохави БуюкБританияга таширишни қолдиришга мажбур бўлди. Гап шундаки, Газа сектори чегарасида жойлашган дивизияларнинг қўмондонидан лавозимда ишлаб келатган Кохави шу йил ёзда БуюкБританияда юқори лавозимдаги ҳарбий кадрлар учун мўлжалланган коллежга билимини ошириш мақсадида ўқишга бормоқчи эди.

Бироқ, ЦАХАЛ ҳарбий бош прокурори генерал Авив Менделблит уни бу сафардан қайтарди. Генерал Кохави шу пайтгача Газа секторини охириги бўлиб тарқатган «Ғазо» дивизиясига қўмондонлик қилган. Шунингдек, 2002 йилда амалга оширилган «Ҳимоя девори» операциясига бошчилик қилган. Мазкур операция давомида Женин шаҳрининг



## Эҳтиёт бўлган яхши

Ўзида 52 нафар фаластинлик ҳамда 23 та исроил аскарлари ҳалок бўлган. Кохавининг қайтарилишига ана бир сабаб бир ярим йил аввал Британия суди томонидан ахудий генерали Дорон Алмогга нисбатан айб ёлон қилинган ва хибсага олиш тўғрисида ордер берилгандир. Жанубий ҳарбий округнинг собиқ қўмондони генерал-майор Дорон

Алмог БуюкБританияга келгач, унга нисбатан хибсага олиш тўғрисида ордер берилганини билиб қолади ва самолётдан тушмай ўша рейс билан Исроилга қайтади. Алмог воқеаси бўйича шунга айтиш мумкин, инсон ҳуқуқларини Ҳимоя қилиш ташкилоти уни Газа секторидан амалга оширилган ҳарбий операциялар давомида турли жиноятларни содир этганликда айблаб Буюк

Британияга судига муржаат этган. Суд даъвогарларнинг вақтини асосли деб топган. Авив Кохави масаласига келсак, у билан ҳам шундай бўлиши мумкин. Ҳарбий прокуратура вакилларининг айтишича, бундай ҳоллар Испания, Франция ва Европанинг бошқа давлатларида ҳам рўй бериши эҳтимолдан холи эмас.



## Йўлдаги ҳалокатлар

Автоҳалокат оқибатида қурбон бўлганлар сони ҳуқуқ-тартибот органларининг статистик маълумотларида биринчи ўринда туради. Ҳозирга қадар Украина ва Россия аҳолиси вазирининг матбуот котиби Генадий Ежов автоҳалокатга учради. Маълумотларга қараганда, Ежов билан бирга машинада «Ведомости» газетасининг муҳаррири Наталья Неймишова ҳам бўлиб, иккаласи ҳам ҳалок бўлишган. Таъкидлаш жоизки, бундан ўн кун олдин Россия ҳисоб палатаси бошлиғи Сергей Степашиннинг ўринбосари ва яқин дўсти генерал Александр Пикиulik ўзининг хизмат автомобилида автоҳалокатга учраган эди. Натيجида жайдовчи ҳам, Пикиulik ҳам воқеа жойида ҳалок бўлган.

Утган ҳафта шаўба кун Чехия Украинага ноқонуний қурол-яроғ сотишда айбланаётган Россия фуқароси Олег Орловни экстрадиция қилди. Украина хавфсизлик хизмати 2004 йилда Орловга нисбатан Жиноят кодексининг ноқонуний қурол-яроғ сотиш банди билан жиноят иши қўзғатган. Орлов 1999 йилнинг кузидан ноқонуний равишда стратегик аҳамиятга эга бўлган Х-55СМ маркали қанотли ракетапарни Хитойга, П14Ф маркали радиолокацион станцияларни эса Эритреяга сотганликда айбланапти. 2004 йилгача 57 ёшли бизнесмен Чехиянинг Карлови Вари шаҳрида яшаган, сўнг Чехия ҳукуматидан сиёсий бопшана сўраган. Бопшана юзасидан рад жавобини олган, қурол-яроғ савдогари Саудия Арабистонига йўл олган. Бироқ интерпол сўрови орқали Праганинг «Русине» аэропортида ушланган. Чехия олий суди Олег Орловни Украина ҳуқуқ-тартибот органларига топшириш тўғрисида қарор чиқарди.



Савдогар қамокда



## Мансабдор айбланмоқда

Қозоғистонда мамлакат сенати маъмуриятининг раҳбари Ержан Утембаев қамокқа олинди. Утембаев Қозоғистондаги мухолифат партия етакчиси Алтинбек Сарсенбаевни ўлдириш учун қотиллар ёлланганликда айбланмоқда. Аввал бош вазир ўринбосари лавозимда ишлаган 55 ёшли Утембаев давлат тизими поғонасида иккинчи шахс ҳисобланган Қозоғистон сенати раиси, мамлакат миллий хавфсизлик қўмитасининг собиқ раҳбари Нуртай Абикаевнинг яқин дўсти ва сафдошидир. Хабарларда айтилишича, Утембаевнинг хибсага олинишига «Аристан» махсус бўлиминининг зобити унга нисбатан қўрсатма берганлиги сабаб бўлган. Яна бир тахмин бўйича Сарсенбаев айнан Утембаевга тегишли шахсий ўқотар қурол билан ўлдирилган. Аввалроқ мазкур жиноят иши юзасидан фикр билдирган ички ишлар вазири мамлакат миллий хавфсизлик қўмитаси тарихида кирувчи «Аристан» махсус бўлиминининг беш нафар зобити хибсада эканини ва айнан ўшалар Сарсенбаевнинг машинасини тўхташиб, уни ва машинадаги шахсларни бошқа машинага ўтказиб олиб кетишганини тасдиқлаган. Сарсенбаевга қандайдир юқори лавозимдаги шахс билан учрашасизлар деб айтилган экан. Бироқ у ерда Сарсенбаев ва ҳамроҳлари отиб ташланган. Лекин «Аристан» зобитлари фақатгина одам ўғирлашда айбланмоқда ҳолос. Зобитлар Сарсенбаев ва унинг ҳамроҳларини элтиб бериш эвазига уларга 25.000 АҚШ доллар ваъда қилинганлиги, лекин уларни ўлдирмаганликларини таъкидлашмоқда. Ҳозир қотил ким эканига номаълум. Қозоғистон миллий хавфсизлик қўмитаси раиси Нартай Дутбаев истефода чиқишини эълон қилди. Айни дамда мазкур жиноят иши юзасидан тергов давом этмоқда.




## Келишувга эришилди

Москва ҳамда Техрон Россия худудидан Эрон атом дастури учун уран моддасини бойитиш бўйича қорхона ташкил этиш тўғрисида шартнома имзолади. Эрон вице-президенти Фуломризо Оғазода нинг таъкидлашича, икки кун давом этган музокара самарали ўтган ва тез орада Москвада мазкур масала юзасидан икки томонлама маслаҳат ўтказилади. Россия атом энергетикаси вазири Сергей Кириенко МАГАТЭнинг Эрон муаммоси бўйича ўтказилажак йиғилишда Россия ўшбу масала ташкилот ваколати доирасида муҳокама қилинишини талаб этишини маълум қилди.

## Инсонпарварлик тамойчили

Ливаннинг собиқ бош вазир Рафиқ Ҳаририйнинг ўлдирилиши юзасидан олиб борилаётган тергов давом этмоқда. Утган ҳафта жума кун Франция ҳукумати Ливан ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан Ҳаририйнинг ўлимида гумон қилинаётган Сурия ҳарбий разведкасининг собиқ зобити Зўхайр Мухаммад ас-Сиддиқни Ливанга экстрадиция қилишга рад жавобини берди. Версал шаҳар суди экстрадиция сўровига жавоб берар экан, ўз қарорини шундай изоҳлади. Маълумки, Ливанда ҳамон ўлим жазоси қўлланади. Ас-Сиддиқ Ливанга юборилса унинг хавфсизлиги катта хавф остида қолади, чунки агар айбловлар тасдиқланса, собиқ зобит ўлим жазосига маҳкум этилиши мумкин. Франция демократик ва инсонпарварлик гоғларига тўлиқ амал қиладиган давлат сифатида шахсни ўлимга юбориш мамлакат гоғларига мул्लाқо эидир. Ливан ҳукумати томонидан халқаро қидирувга берилган Зўхайр Мухаммад ас-Сиддиқ ўтган йилнинг октябр ойида Париж яқинидаги шаҳарчалардан бирида ҳибсага олинган. Савол-жавоб давомида у Ҳаририйнинг ўлимига мул्लाқо алоқаси йўқлигини таъкидлаб, лекин суҳбат рўй берган вақтда воқеа жойига яқин турганини тан олган. Ливан ҳукуматидан фарқли ўларок, БМТ комиссияси собиқ зобитни ҳеч нарсадан айбдор деб топмади.



## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фаҳрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фаҳрийси **Имом НОРОВНИЙ** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила-аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Орамиздаги одамлар

Инсон зоти дунёга келибдики, яшашдан мақсад излаб ўргазаронлик қилади. Биров бойлик йиғида, биров...

фаолият кўрсатди. Ўзбекистонда пахтачилик муҳим аҳамиятга эгаллиги туфайли у касаллик...

1994 йиллари Тошкент давлат аграр университети профессори, генетика-селекция кафед...

Ажабтовур қонунлар

Барчамиз ҳуқуқ ва бурчларимизни билишга ҳаркат қиламиз. Ҳуқуқ ва бурчларимиз эса қонун билан кафолатланган. Демак, факатгина лухта...

Тириклик фалсафаси

Абдуқодир Эргашев ilk бор ўшанда тириклик фалсафасини топгандай бўлди. Колхозда ишлаш билан бирга китобни қўлидан қўймади. 1962 йили ўрта мактабни тугатгач, Самарқанд давлат университетининг биология факультетида ўқишга кирди.

«Инсон ва биосфера» миллий кўмитасининг маъсۇл котиби бўлиб ишлади. Абдуқодир ака ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 1979 йилда БМТга експертлар тайёрлаш икки йиллик махсус курсини имтиёзли диплом билан битирди.

Абдуқодир Эргашев бу билан кифояланмоқчи эмас эди. У эгаллаган билимини Ўзбекистоннинг равнақи учун сарфлашни ният қилди. Шу мақсадда 1974 — 1983 йилларда ЎзФА «Биолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида тадқиқот олиб борди.

Олим 1983 — 1984 йилларда Англиянинг Ноттингем, Оксфорд университетлари ҳамда Кембриж селекция институтида тадқиқот олиб борди. Бу соҳадаги биотехнологик ишлари буйича патент олди. Кейин яна Ўзбекистонга қайтиб, ЎзФАнинг «Биолог» ИИЧБда...

ёклади. Бу даврга келиб олимнинг бир қатор илмий тадқиқотлари ва публицистик мақолалари Ўзбекистон ҳамда кўплаб хорижий давлатларда chop қилинган эди. У Ўзбекистон табиятини муҳофазга қилиш давлат кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб юрган пайтларда илмни ташлаб қўймади.

А.Эргашев бу ерда Ўзбекистон табияти муҳофазасига оид янги қонунни ишлаб чиқишда, республикамизнинг биринчи экологик харитасини яратишда фаол иштирок этди. Касалликларга чидамли пахта навларининг экологик ва генетик хусусиятларини ўрганди. 1992 —

лик институтининг ректори бўлиб ишлаган кезларида институтнинг илмий салоҳиятини кўтарришга алоҳида эътибор қаратди. Қаерда ишламасин илм изрихий, тириклик фалсафасини илмда деб билди. Бошқаларни ҳам илм олишга чақирди, минглаб шоғирдлар етиштирди. Умр — оқар дарё деганларидаи ҳашпаш дегунча олтимши йиллик умр ўтиб кетибди. Олдинда эса ҳали фаннинг эгаланмаган қирралари эҳ-хе қанча. Уларни забт этиш учун ҳали Абдуқодир Эргашевда куч-гайрат етарли. Биз ҳам бу камтарин, қўнгли кенг олимга барча орзу-ниятларининг рўйбени тилаймиз.

И.ЙҮЛДОШЕВ, Н.ОСТОНОВ

Дўстни кўп одам

Тапиқли олим Абдуқодир Эргашевга

Аслида дунёга одамзод меҳмон, Меҳрета муҳтождир ҳар лаҳза, ҳар дам. Сенга яратганинг ўзи меҳрибон, Эй дўсти кўп одам, дўсти кўп одам.

Мақоанинг Самарқанд, Қўқон, Жиззахдир, Сожта дўстдан сақлан, дўсти кўп одам. Меҳрни ҳовучлаб қамлаб бўлмайд, Дўсти кўпнинг кўзин намлаб бўлмайд.

Эй дўсти кўп одам, дўсти кўп одам. Буёқ Темур қони қонингда доим. Алтомиш, Ҳотамтой эшонингда доим. Исмаилинг хазинада, ёнинда доим.

Козимжон зинапоядан тойиб кетиб, оёғи лат ёди. Хонаки табиблиқда анча-мунча кўзи пишиб қолган Моҳиниса ўзи муолажа қилмоқчи бўлди. Ярим коса сувга қайнаган сув қуйди, ара-лаштиради, намаколга эски тўшакнинг пахтасини чилади.

— Янги коллеж кураётган эдик. Асосий иш менинг зиммада эди. — Менга икки машина қум жудаям зарил.

— Кўчамизни асфальтлашга қўл урганимиз, — деди жарроҳ ўз муолажасидан мамнун бўлиб. — Сизни бетон заводига шопир эканлигини билди...

ганди. Шопир бош ҳақимнинг бир имоסי билан «люкс» хонага олиб ўтилди. Гипс олиб ташланди. Оёқнинг лат еган жойига бармоқ учини теккизган шеф.

Нақд бўлган воқеа беш тонна цемент от билан туя бўлармида-а? Оёқ соғайгани афзал, шундайми? Саломатлик — туман бойлик. Буёғини сўрасангиз, сиз ҳоми — биз шифокор.

Бирок бу орада Козимжоннинг ўғли «Тез ёрдам» чақирришга улгурган эди. Негадир машина ҳам тезда етиб кела қолди. Икки ҳамшира беморни кўлтигидан олди. Моҳиниса эса қўлидаги малҳами билан ҳай-ҳайлаганича қолаверди.

— Исмнингиз? — деди навбатчи врач беморга. — Козимжон Иминов бўлман. Бетон заводига самосвал минаман. Кўрмайсизми, иш тигиз пайтанда...

— Ҳа, олдидан айтиб қўйганим яхши, менга икки машина қум керак. — Янги коллеж кураётган эдик. Асосий иш менинг зиммада эди.

— Уҳ-хў, хиди келяпти-ку, форточкани очинглар. Ха-а-а, суяк кетган, ичидан ириши мумкин. Беморни операцияга тайёрлаш ке-

Козимжон операцияни кутмади. Кечасиёқ касалхонадан қочди. Лат еган оёғи билан амаллаб бир ярим чақирим йўл босиб, алламаҳалда уйига кириб келди. Моҳиниса ҳали ухламаган экан. Эридан нима гап деб суриштириб ҳам ўтирмади. Тунов кунни тайёрлаб қўйган шўрпахтани иситиб эрининг жароҳат олган ерига авайлаб босди.

Шўрпахта

диванга жойлаштирилди. Эртаси кун касаллик варақаси билан танишгач, жарроҳ Козимжонни ўзига қарашли 3-палатага олиб ўтди. Коллежнинг иши орқага сурилмасин дейман-да.

— Олти машина етимида? Ҳалиги акамаг икки машина қум. Майли, иложини қиламиз. Тузалсам бўлди. Коллежнинг иши орқага сурилмасин дейман-да.

Козимжоннинг манглайигача тер тепчида. — Мени қийнаманг, ака, — деди у лат еган оёғини силаб, — сизга қанча қум, қанча шағал керак? Коллеж қуриляпти. Тортинмай айтаверинг. Оёғим тузалса бўлди. У ерда ўрнимга одам йўқ.

Моҳинисанинг меҳр билан қилган қўлбола муолажасими ёки иссиқина малҳам дардининг газзагини олдим, харқали бемор ором олиб уйкуга кетди.

— Оҳ, оҳ, айти бизбоп касал экансиз. Сизни тезда оёққа тургазиб юборман. Дўхтир қўлини совунлаб юваркан, силтади. — Ҳа, олдидан айтиб қўйганим яхши, менга икки машина қум керак.

— Бу нима деган гап? Саводи борми буларнинг? Синган оёқ туҳум сариги билан тузалар эканми? Тезда гипс олинглар. Ҳамширалар ишга киришди. Беморнинг оёғи тўпигича гипсланди.

Эртаси кун 3-палатада бетон заводининг ҳайдовчиси Козимжон деган бемор ётанлигини кимдир шифохона бош ҳақими Ҳтқир Суяровга етказибди. Айти мудабо. Ҳтқир Суяров янги участкани бошлаб қўйган. Усталар цементни тезлаштиради, дейиш-

— Янги қурилиш кетаётган бўлса, — деди у лат еган оёғини силаб, — сизга қанча қум, қанча шағал керак? Коллеж қуриляпти. Тортинмай айтаверинг. Оёғим тузалса бўлди. У ерда ўрнимга одам йўқ.

Абдулаҳад УРМОНОВ, Асака шахри

HUQUQ yuridik gazeta Ta'rischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi: Jahongir SHAROFBOYEV Tahrir hay'ati: Bahriddin VALIYEV, Pirimqul QODIROV, Fozil MAMASHARIPOV

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy. Telefon: 133-98-40, 133-26-62. E-mail: info@huquq.uz. Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'yozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma G — 456. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Navbati muharrir: A.MUSTAFOQULOV, Musahhif: A.MUSTAFOYEV

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda. Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30.